



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 22 » ноябрь

№ ПК–402

Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Аёллар орасида онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш, скрининг жараёнларини самарали ташкил қилиш, замонавий скрининг усулларини амалиётга кенг жорий этиш, ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ҳамда мутахассисларнинг билимларини ошириш ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида:

1. 2025–2030 йилларда Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, **Дастурни** амалга ошириш доирасида:

тиббиётнинг бирламчи бўғинида **30–65 ёшдаги** аёлларнинг **электрон базаси (рўйхати)** шакллантирилади, уларни тиббий кўрикка таклиф қилиш тизими яратилади;

ҳар йили 30–50 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги **одам папилломаси вирусини** полимераза занжирли реакция текшируви усули орқали аниқлаш ҳамда суюқлик цитологияси усулида текшириш йўли билан амалга оширилади. Бунда манфий натижа аниқланганда улар **10 йилдан сўнг** қайта текширувдан ўтказилади, мусбат натижа аниқланган аёллар қўшимча текширувга йўналтирилади;

саратонолди ҳолатлар аниқланган аёллар амбулатор даволаш учун Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиалларига йўналтирилади;

30–65 ёшдаги аёллар ҳар 2 йилда бир маротаба тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи саралашдан ўтказилади. Бунда кўкрак беги текшируви **45 ёшгача** бўлган аёлларда ультратовуш диагностикаси усулида, **45–65 ёшдаги** аёлларда маммография орқали амалга оширилади;

скрининг натижасида онкологик касалликка чалинганлиги аниқланган беморларни ташхислаш ва даволаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. 2025 йил 1 январдан бошлаб:

а) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларига соғлиқни сақлаш тизимида мақбуллаштириладиган штат бирликлари ҳисобидан қуйидаги штат бирликлари киритилсин:

онконадзорат хоналари учун **акушер-гинеколог шифокор**;

мобиль ва стационар маммографлар ишини 2 та сменада ташкил этиш учун рентген-лаборантлар;

б) Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Маммография тасвирини ўқиш маркази** ташкил этилсин ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида амалга ошириладиган кўкрак беши саратони бўйича скрининг натижалари ушбу марказнинг **ягона ридинг тизимига интеграция қилинсин**;

в) Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида **одам папиллома вируси диагностикаси** учун қўлланадиган **тест тизимлари сифатини** назорат қилиш бўйича **референс-лаборатория** фаолияти йўлга қўйилсин.

4. Саратон касаллиги назорати соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Кенгаш) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказлари Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

онкологик касалликларни ташхислаш ва даволаш бўйича тиббий жиҳозлар, ускуналар ва сарфлов материаллари хариди мажбурий тартибда Кенгаш билан келишилади ва тақсимланади.

Бунда Кенгаш томонидан тиббий жиҳозлар, ускуналар ва сарфлов материалларини муассасалар кесимида рационал тақсимлаш мақсадида маълумотлар базаси шакллантирилади;

Кенгашга бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининг текширувлари билан қамраб олинadиган аёллар ёшини молиялаштириш манбалари асосида мустақил белгилаш ваколоти берилади.

5. Қўйидагилар Кенгашнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини назорат қилишга қаратилган лойиҳаларни (кейинги ўринларда – лойиҳалар) мувофиқлаштириш;

лойиҳалар доирасида фақат синовдан ўтган тестлар, фармацевтика маҳсулотлари ҳамда вакциналар, далилларга асосланган диагностика ва даволаш усуллари қўлланишини назорат қилиш;

Дастурга оид харидларни амалга оширишда, маблағлар ва тиббий ускуналарни тақсимлашда, қарор қабул қилишда Кенгаш аъзоларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, жамоат саломатлиги этикасига асосланиб қарорлар қабул қилиш;

бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони юзасидан скрининг текширувлари амалга ошириладиган аёллар ёшини соғлиқни сақлаш бўйича халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш ҳамда аниқ молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб белгилаш;

лойиҳаларнинг натижаси ҳақидаги маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминлаш.

6. Кенгаш аёлларнинг бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининги билан қамровини кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини мунтазам жалб қилиб бориш чораларини кўрсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Дастур Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда сифатли амалга оширилишини таъминласин;

б) Стратегик ислохотлар агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2024 йил якунига қадар** Дастурни мониторинг қилиш, тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимлари меҳнати самарадорлигини ҳар олти ойда бир марта баҳолаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

в) **2025 йил 1 январдан бошлаб** бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скринингига **нодавлат тиббиёт ташкилотларини** жалб қилиш чораларини кўрсин ҳамда давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар харидини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали амалга ошириш тизимини йўлга қўйсин.

Бунда бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скринингини ўтказишда кўрсатиладиган хизматларнинг харид нархлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланади;

г) бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининг текширувлари натижасида аниқланган беморларни даволаш учун 2025 йилда қўшимча маблағлар талаб этилганда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ушбу харажатларни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш бўйича асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининг текширувларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

е) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида гинеколог мутахассисларни бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скринингига ўқитиш бўйича **ўқув курсларини** йўлга қўйсин;

клиник ординатура ва магистратуранинг гинекология ва онкология мутахассисликлари, шунингдек, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув дастурларига бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлашга **ўқитиш бўйича модуллар** киритсин;

ж) “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ билан биргаликда **2025 йил 1 майга қадар:**

бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлаш **сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиб бориш** тизимини жорий этсин ҳамда **скрининг регистри** юритилишини йўлга қўйсин;

скрининг дастурига киритилган аёллар билан **қайта алоқа қилиш тизимини** (мобиль илова ва бошқалар) жорий этсин;

з) **2025 йил 1 майга қадар** илғор халқаро тажрибани инобатга олиб, **скрининг алгоритмларини** назарда тутган ҳолда саратонолди касалликлари, бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш бўйича **миллий клиник баённомаларни** тасдиқласин;

и) Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиалларини полимераза занжирли реакция текширувларини ўтказиш учун **тиббий ускуналар**, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг онконазорат хоналарини **зарур тиббий жиҳозлар** билан таъминласин.

8. Стратегик ислоҳотлар агентлиги 2025–2030 йиллар давомида бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининги мониторингини ва Дастур самарадорлигини баҳолашни амалга оширсин.

9. Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлаш ҳамда назоратини амалга ошириш учун зарур **тиббий жиҳозлар рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда жойларда “маҳалла еттилиги”га аёллар ва уларнинг оила аъзолари орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш, даволаш ҳамда оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини ўтказишни ташкил қилиб борсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

турли мақсадли гуруҳлар (ўсмирлар, катта ёшли аёллар, эркаклар) учун хавfli ўсма касалликлари ва уларнинг хавф омиллари, профилактикаси, эрта аниқлаш ва даволашнинг муҳимлиги тўғрисида телевидение, радио, интернет ва босма оммавий ахборот воситалари орқали кенг қўламли ахборот кампанияларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кенг форматли ташқи реклама объектларига махсус баннерларни ўрнатиш ва аҳоли гавжум жойларда роликларни тизимли намойиш қилиш чораларини кўрсин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**2025–2030 йилларда Бачадон бўйни ва кўкрак беи саратонини назорат қилиш дастурини амалга ошириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1.	Бачадон бўйни ва кўкрак беи саратонини назорат қилиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларда барча иштирокчилар ҳаракатини мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилиш.	1. Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини тартибга солувчи низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш бўйича лойиҳалар юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳар чорак якунлари бўйича таҳлилларини олиб бориш. 3. Кенгаш йиғилиши қарорига мувофиқ масъулларга топшириқлар бериш ва ижросини назорат қилиб бориш.	2025 йил январь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стратегик ислохотлар агентлиги, халқаро ва нодавлат ташкилотлар
2.	Бачадон бўйни ва кўкрак беи саратонини скрининг, профилактика, диагностика қилиш, даволаш, кузатиш ва реабилитация қилишда ягона ёндашув асосида тиббий ёрдам кўрсатишнинг узлуксизлигини таъминлаш.	1. Бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони скрининги, диагностикаси ва даволаш бўйича қўлланма (клиник протоколларни) ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш. 2. Бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони скрининги, диагностикаси, даволаш ва кейинчалик кузатиш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагиларни назарда тутиш: касаллик босқичи ва тарқалганлик даражасидан келиб чиқиб аниқланган бачадон бўйни ва кўкрак беи саратонини даволаш схемаларини ишлаб чиқиш; жарроҳлик амалиётини ўтказган беморларни кузатиш, реабилитация қилиш ва паллиатив парваришlash схемаларини ишлаб чиқиш. 3. Диагностика жараёнларининг сифат назорати стандартларини ишлаб чиқиш.	2024 йил якунига қадар 2025 йил май	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стратегик ислохотлар агентлиги, халқаро ва нодавлат ташкилотлар (келишув асосида), манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
3.	Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини профилактика, скрининг, диагностика қилиш ва даволашда иштирок этувчи тиббиёт муассасаларини стандартларга мувофиқ жиҳозлаш.	<p>1. Тиббиёт муассасалари ва улардаги мавжуд тиббий жиҳозларни хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Бачадон бўйни саратонини скрининг қилиш ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлашда иштирок этувчи тиббиёт муассасаларини (бирламчи бўғин ва ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш муассасаларини) жиҳозлашга қўйилган талабларни қайта кўриб чиқиш.</p> <p>3. Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлашда иштирок этувчи тиббиёт муассасаларини зарур тиббий жиҳозлар билан таъминлаш.</p>	2025 йил июнь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стратегик ислохотлар агентлиги
4.	Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони профилактикаси тизимини татбиқ этиш.	<p>1. Бирламчи бўғин тиббиёт ходимларининг онкологик касалликлар тўғрисидаги ҳушёрлигини ошириш, аёллар ўртасида онкологик касалликлар ривожланиши хавфи омилларини эрта аниқлаш чораларини кўриш.</p> <p>2. Ўсмир қизлар ўртасида одам папилломаси вирусига (кейинги ўринларда – ОПВ) қарши эмлашнинг ёш чегараларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг янгиланган тавсияларига асосан қайта кўриб чиқиш ҳамда Миллий профилактик эмлаш календарини қайта тасдиқлаш.</p> <p>3. ОПВ (жинсий йўл билан юқадиган бошқа касалликлар, жумладан, ОИВ инфекцияси) юқиши хавфини камайтириш мақсадида ёши ва миллий ўрф-одатларни ҳисобга олган ҳолда ўғил болалар ва қизларнинг репродуктив тарбияси бўйича дастурлар (алоҳида ота-оналар ва мактаб ўқитувчилари учун) ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Барча аёллар бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони белгилари пайдо бўлганда зудлик билан гинеколог кўригидан ўтиш зарурлигини кенг тарғиб қилиш.</p>	2025 йил 1 январь	Халқаро молия ташкилотлари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санэпидқўм, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>5. Тиббиётнинг бирламчи бўғини ходимлари учун бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонининг бирламчи профилактикаси масалалари бўйича тренинглар ва семинарлар ташкил этиш, шу жумладан, мотивацион маслаҳат бериш ва аёллар билан ўзаро ҳамкорлик усулларини ўргатиш.</p> <p>6. Акушер-гинеколог ва репродуктологлар томонидан аёлларга гормонал дориларни буюришнинг қатъий мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p>			
5.	Бачадон бўйни саратонини эрта аниқлаш тизимини татбиқ этиш.	<p>1. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида 30–50 ёшдаги аёлларнинг электрон базасини (рўйхатини) шакллантириш, ушбу аёлларни режали кўриқдан ўтишга таклиф қилиш тизимини яратиш.</p> <p>2. Ҳар йили 30, 40 ва 50 ёшдаги аёлларда ОПВни аниқлаш орқали бачадон бўйни саратонига скрининг қилиш, уларни суюқлик цитологияси усули ёрдамида триажлаш.</p> <p>Бунда ОПВ тести мусбат аёлларни триажлаш натижасида ўзгаришлар топилганда кольпоскопия усулида текширишни ташкил қилиш.</p>	2025 йилдан бошлаб	Халқаро молия ташкилотлари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
6.	Кўкрак беги саратонини эрта аниқлаш тизимини татбиқ этиш.	<p>1. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида 30–65 ёшдаги аёлларнинг электрон маълумотлар базасини (рўйхатини) шакллантириш, ушбу аёлларни режали кўриқдан ўтишга таклиф қилиш тизимини яратиш.</p> <p>2. Ҳар 2 йилда бир марта 30–65 ёшдаги аёлларни кўкрак беги саратонига скринингдан ўтказиш.</p> <p>Бунда 30–65 ёшдаги аёллар ҳар 2 йилда бир марта тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи саралаш ҳамда 45 ёшгача бўлган аёллар кўкрак бегини ультратовуш текшируви усулида, 45–65 ёшдаги аёллар маммография орқали кўриқдан ўтказилади.</p>	2025 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
7.	Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини диагностика қилиш сифатини назорат қилиш амалиётини жорий этиш.	<p>1. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида Маммография тасвирини ўқиш маркази (ягона ридинг маркази)ни ташкил этиш ҳамда уни маммографик скринингни бошқариш ва сифатини назорат қилиш ахборот тизимида (screening.mammo.uz) туман (шаҳар) тиббиёт муассасаларининг маммографик кабинетлари билан интеграция қилиш.</p> <p>Бунда кейинги 5 йил ичида Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш дастури эҳтиёжларини таъминлаш учун тасвирларни архивлаш ва алоқа тизими (PACS) ва етарли сервер сифатини таъминлаш.</p> <p>2. Нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан эрта диагностика қилиш мақсадида ўтказилаётган маммография текширувларини Ягона ридинг марказига улаш шarti билан Давлат тиббий сўғурта жамғармаси орқали молиялаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p> <p>Бунда маммография текширувлари харажатларини қоплаш нархлари (тарифлар) белгиланишини таъминлаш.</p> <p>3. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида референс-лаборатория ташкил этиш.</p> <p>Бунда ОПВ тестлари сифатини мониторинг қилиш ва патологик цитологик суртмаларни марказлаштирилган тарзда ўқишни йўлга қўйиш. Ягона лаборатория ва ҳудудий филиалларнинг ахборот тизимларини бачадон бўйни саратони скрининг ахборот тизими платформаси билан интеграция қилиш.</p>	2025 йилдан бошлаб	Халқаро молия ташкилотлари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>4. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Ягона ридинг маркази ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги референс лаборатория фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>5. Ягона ридинг марказига 8 та штат бирлиги ажратиш.</p> <p>6. Маммография бажариш стандартларига амал қилиш ва аёлларга муолажа зарарини камайтириш мақсадида:</p> <p>тасвирга олиш учун сифат назорати протоколини яратиш;</p> <p>рентген лаборантлар ва радиологлар учун кундалик ва ҳафталик сифат назорати тестлари бўйича ўқишни ташкил этиш;</p> <p>техник носозлик сабабли қайта маммографиялар кўрсаткичини ҳар бир маммография кабинетлари кесимида мунтазам назорат қилиш;</p> <p>PGMI (жойлашишни аниқлаш ва сифат) ва BIRADS (радиологлар ҳисоботи) воситаларидан фойдаланган ҳолда маммография тасвирларини кенг қамровли баҳолашдан ўтказиш. Бунда, интервалли саратон касалликларига алоҳида эътибор қаратиш;</p> <p>ҳар бир радиолог томонидан ўқилган тасвирлар бўйича ёзувларни сақлаш ва радиологларнинг иш юкини мақбуллаштириш;</p> <p>ахборот тизимида биринчи ўқишни амалга оширган радиологларга иккинчи ва учинчи ўқиш хулосалари билан танишишга рухсат бериш ҳамда касаллик аниқланган (BIRADS 0/4/5) беморлар муҳокамасида иштирокини таъминлаш;</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		ахборот тизимида ультратовуш ва биопсия натижаларини, маммолог кўриги ва якуний ташхисни қайд этишни таъминлаш.			
8.	Кўкрак беzi саратонининг диагностикаси сифатини назорат қилиш тизимини жорий этиш.	<p>1. Кўкрак беzi саратонининг якуний ташхисини мултидисциплинар тиббий жамоа иштирокидаги консилиум хулосасига асосан қўйилишини таъминлаш.</p> <p>2. Аниқ локализация ва даволашни режалаштиришга ёрдам бериш учун пайпасланмайдиган ва ультратовуш билан кўринмайдиган ўсмаларни (игнали/игнализ) маркерлашни ривожлантириш.</p> <p>Сифатни назорат қилиш жараёнини кучайтириш, маммографик тасвирларнинг ишончилиги ва аниқлигини таъминлаш учун мавжуд синов объектларидан (кўкрак безининг патологиясини тўғри тақлид қилувчи Plexiglas фантоми) фойдаланиш.</p> <p>3. Кўкрак беzi саратонининг диагностикаси ва босқичини аниқлаш учун радиологик хизматлардан жумладан, ультратовуш, магнит-резонанс томография, компьютер томографияси ва позитрон-эмиссион томографиясидан фойдаланиш.</p> <p>4. Барча кўкрак беzi саратони билан оғриган беморларнинг патоломорфологик ҳисоботига pTNM босқичлари ҳақидаги маълумотларни киритиш ҳамда йилига камида бир марта pTNM натижалари таҳлилинини ўтказиш.</p> <p>5. Барча кўкрак беzi саратони билан касалланган беморларнинг таснифига 0-босқични киритиш.</p>	2025 йилдан бошлаб	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
9.	Бачадон бўйни ва кўкрак беzi саратонини даволаш сифатини назорат қилиш амалиётини жорий қилиш.	<p>1. Бачадон бўйни ва кўкрак беzi саратонини даволаш протоколларини илмий асосланган маълумотларга мос янгилаш.</p> <p>2. Жорий миллий онкология дори воситалари рўйхатини унинг ЖССТ муҳим онкология дорилари рўйхатига мос келишини таъминлаш учун қайта кўриб</p>	2025 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>чиқиш ҳамда энг асосий эҳтиёжлар тўлиқ қопланишини таъминлаш учун уларни устувор гуруҳлар бўйича таснифлаш.</p> <p>3. Онкология дориларини тайёрлаш, аралаштириш, қайта тайёрлаш учун Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиалларининг клиник фармакологларини ўқитиш.</p> <p>4. Тиббиёт муассасаларида тиббиёт ходимлари томонидан дори, сарфлаш материаллари ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан хавфсиз ишлаш талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>5. Радиотерапия ускуналари билан таъминотни қисқа, ўрта ва узоқ муддатли босқичларда режалаштириш учун радиотерапияга бўлган тахминий ва реал эҳтиёжни баҳолаш.</p> <p>6. Чизиқли тезлаткичлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.</p> <p>7. Радиотерапевт онкологларнинг мультидисциплинар жамоа консилиуми ва йиғилишларида иштирок этишини таъминлаш.</p> <p>8. Кўкрак безини сақлаб қолиш мақсадида жарроҳлик ёки бошқа стандарт даво турлари билан бирга радиотерапиядан фойдаланишни назарда тутиш.</p> <p>9. Беморларни, ходимларни ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун жарроҳлик бўлимларида онкологик дори-дармонларни тайёрлаш ва беморларга қўллашни ман қилиш.</p> <p>10. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиаллари амалиётига лимфа тугунлари биопсиясини (SLNB) жорий этиш.</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>11. Давлат бюджетидан бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини даволаш учун ажратилаётган маблағлар маълумотларни бошқаришнинг ягона электрон тизими маълумотлари асосида мақсадли йўналтирилишини таъминлаш.</p> <p>12. Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини даволаш муолажалари каталогини яратиш.</p> <p>13. Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони касаллигини даволашнинг аниқ қийматини ҳисоблаш.</p>			
10.	Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонига чалинган ёки уни ўтказган аёлларга ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш.	<p>1. ННТ билан ҳамкорликда бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонига чалинган ёки уни ўтказган аёлларга ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш.</p> <p>2. Репродуктив тизим онкологик касалликларига чалинган аёлларни эмоционал ва психологик қўллаб-қувватлаш бўйича тиббиёт ходимларини ихтисослаштирилган тарзда ўқитиш.</p> <p>3. Заруратга кўра, халқаро ташкилотлар билан биргаликда бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонига чалинган аёлларга кейс-менежмент орқали ижтимоий ва психологик хизматлар кўрсатиш.</p> <p>4. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами мутахассислари томонидан паллиатив тиббий хизматга муҳтож беморларга уйда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш.</p>	2025–2026 йиллар	Халқаро молия ташкилотлари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Скрининг текшируви, бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини дастлабки босқичларида аниқлаш ва даволаш масалалари бўйича аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш.	<p>1. Аҳоли учун ахборот ва тарғибот кампаниясининг режаси, жадвали, контенти ва каналларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Турли мақсадли гуруҳлар (ўсмирлар, катта ёшли аёллар, эркаклар) учун бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонининг хавф омиллари (тамаки чекиш ва алкоголь ичимлик истеъмол қилиш), профилактикаси, эрта аниқлаш ва даволашнинг муҳимлиги тўғрисида</p>	2025–2030 йиллар	Корея Республикасининг КОФИН жамғармаси маблағлари (келишув асосида) ҳамда бошқа халқаро молия	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стратегик ислохотлар агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>ўқув материаллари, шу жумладан, брошюралар, буклетлар, онлайн ресурслар ва бошқаларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Телевидение, радио, интернет ва босма оммавий ахборот воситалари орқали кенг кўламли ахборот кампанияларини ташкил этиш.</p> <p>4. Беморлар ҳамжамиятини яратиш, ахборот тарқатиш ва тадбирлар ўтказишга кўмаклашиш учун маҳаллий жамоалар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> <p>5. Саратовга чалинган беморлар ёки уларнинг яқинлари қарор қабул қилиши учун маълумот олишлари мумкин бўлган бепул онлайн маълумотнома хизматини яратиш.</p> <p>6. Саратовга чалинган аёллар учун даволанишнинг турли усулларида ўз вақтида фойдаланишни таъминлаш ва даволанишдан воз кечмаслик учун даволаш хизматлари бўйлаб ҳаракатланишга ёрдам берадиган навигаторни ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда ҳамширалар ёки кўнгилчилар (айниқса, саратон касаллигидан омон қолганлар) навигатор сифатида ўқитилиши мумкин.</p> <p>7. Аҳоли орасида қуйидаги мақсадларда ижтимоий сўровлар ўтказиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> мақсадли гуруҳдаги аёллар скринингдан ўтганлиги ва уларнинг кўрсатилган хизматлардан қониқиш даражасини баҳолаш; аҳолининг хабардорлик даражасини баҳолаш; ахборот кампанияларининг самарадорлигини баҳолаш. 		ташкилотлари маблағлари	
12.	Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш соҳасида	1. Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш соҳасида янгиланган протоколлар бўйича бирламчи бўғин мутахассисларини тайёрлаш.	2025 йилдан бошлаб	Корея Республикасининг KOFIN жамғармаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.	<p>Оилавий шифокорлар, гинекологлар, патронаж доя ва ҳамшираларни саратоннинг илк белгилари, аломатлари бўйича аёлларни хабардор қилиш, белгилар аниқланганда йўналтириш ва кузатиш бўйича ўқитишни ташкил этиш.</p> <p>2. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида Тренинг марказини ташкил этиш.</p> <p>Бунда бачадон бўйни саратони скрининги, диагностикаси, саратонолди касалликларини даволаш ва кўкрак беши саратони клиник пальпацияси бўйича гинекологлар учун бир йиллик ўқув курсини ташкил этиш.</p> <p>Барча кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг онконазорат хоналари гинекологларини бир йиллик курсда ўқитиш ва сертификатлаш.</p> <p>3. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази филиалларида бирламчи бўғин мутахассислари (оилавий шифокорлар, доялар, гинекологлар, цитологлар, ОПВ таҳлилини амалга оширувчи шифокор-лаборантлар) учун бачадон бўйни саратони скрининг алгоритми, ОПВ аниқланган ва цитологик суртма аномал бўлган аёлларни кольпоскопия текширувидан ўтказиш ва саратонолди касалликларни даволаш бўйича машғулотлар ўтказиш учун ўқув марказларини ташкил этиш.</p> <p>4. Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони диагностикаси ва уни даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш.</p> <p>Жумладан, поликлиникалардаги ультратовуш шифокорларини кўкрак бешини ультратовуш текшируви бўйича ўқитиш.</p>		маблағлари (келишув асосида)	инновациялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>5. Худудларда гистология хизматини мустаҳкамлаш.</p> <p>6. Қуйидаги тиббий таълим муассасаларида оила тиббиёти, гинекология, онкология, суюқлик цитологияси, вирусология, кольпоскопия, патоморфология (биопсия), ҳамширалик иши йўналишларида ўқув дастурларини халқаро стандартлар асосида янгилаш:</p> <p>барча олий тиббий таълим муассасалари; Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази; Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумлари; Республика ўрта тиббиёт в фармацевтика ходимлари малакасини ошириш маркази.</p> <p>Ушбу таълим муассасаларида гинекологлар учун кольпоскопия ва кўкрак безларининг клиник пальпацияси, цитологлар учун суюқлик цитологияси, вирусологлар учун ОПВ диагностикаси, онкологлар учун бачадон бўйни саратонини даволаш, доялар учун сўртма олиш бўйича курсларини ташкил этиш.</p>			
13.	Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш ва диагностика қилишда иштирок этувчи тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Ягона ридинг марказининг маммография бўйича экспертлар гуруҳи томонидан биринчи ўқиш ва назорат тартибида (иккинчи) ўқиш учун сунъий интеллект тизимидан фойдаланган ҳолда (screening.mammo.uz) ахборот тизимида скрининг маммограммаларини гибрид ўқишни ташкил этиш.</p> <p>2. Ягона ридинг марказининг маммография бўйича экспертларга (screening.mammo.uz) тизимида ўқилган ҳар бир маммограмма учун ҳамда референс лабораторияда ҳар бир ўқилган суюқлик цитологияси учун шифокор-цитологларга ишбай ҳақ тўлаш механизминини жорий этиш.</p>	2025 йил январь	Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
14.	Халқаро стандартларга мувофиқ бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш соҳасида фаолият юритаётган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш.	<p>1. Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш дастурида қатнашувчи тиббиёт муассасаларини уларнинг зарур талаблар асосида жиҳозланганлиги ва инфратузилмаси бўйича комплекс баҳолаш.</p> <p>2. Зарур ускуналар рўйхатини тузиш ва моддий-техника базасини янгилаш ва модернизация қилиш учун устувор эҳтиёжларни аниқлаш.</p> <p>3. Ҳар йили 30-50 ёшдаги аёллар учун халқаро стандартларга мос бўлган ОПВ таҳлили учун реагентлар ва сарфлов материалларини харид қилиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>2025 йил – 3,4 млн АҚШ доллари (Ислом тараққиёт банки – 2,6 млн АҚШ доллари, KOFIN жамғармаси – 800 минг АҚШ доллари);</p> <p>2026 йил – 3,5 млн АҚШ доллари (Давлат бюджети ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари);</p> <p>2027 йил – 3,5 млн АҚШ доллари (Давлат бюджети ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари);</p> <p>2028 йил – 3,6 млн АҚШ доллари (Давлат бюджети ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари);</p> <p>2029 йил – 3,7 млн АҚШ доллари (Давлат бюджети ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари);</p> <p>2030 йил – 3,7 млн АҚШ доллари (Давлат бюджети ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари).</p> <p>4. Саратонолди, бачадон бўйни ва кўкрак беги саратони диагностикаси учун қуйидаги зарур ускуналарни харид қилиш (Давлат бюджети маблағлари):</p> <p>а) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида скрининг тадбирлари учун 14 та</p>		<p>Халқаро молия ташкилотлари ҳамда Давлат бюджети маблағлари</p> <p>21,4 млн АҚШ доллари</p> <p>2,1 млн АҚШ доллари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>рақамли стационар маммографлар;</p> <p>б) Ягона ридинг марказида тасвирларни сақлаш учун сервер;</p> <p>в) 1 500 нафар аёлда кўкрак беши саратонининг эрта диагностикаси учун бир марталик биопсия тўпламлари ва операциядан олдинги маркерлар (ўсмани фиксация қилувчи игна);</p> <p>г) Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиалларига биопсия олиш ва бачадон бўйни саратонолди касалликларини даволаш учун 14 та радиотўлқинли жарроҳлик аппаратлари.</p> <p>д) Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиалларига – 14 та, туманлараро перинатал марказларга – 16 та полимер занжирли реакция аппарати;</p> <p>е) Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиалларига суюқлик цитология суртмаларини текшириш ва Референс лабораторияга юбориш учун 14 видеокамерали бинокуляр рақамли микроскоплар.</p> <p>5. Логистика тизими ҳамда ускуна узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлаш учун унга мунтазам техник хизмат кўрсатиш ва калибровка қилишни жорий этиш.</p>		<p>220 минг АҚШ доллари 500 млн сўм (ҳар йили)</p> <p>224 минг АҚШ доллари</p> <p>Ислон тараққиёт банки маблағлари</p> <p>Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари 500 млн сўм</p>	
15.	Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининги билан қамровни кенгайтириш.	30–50 ёшдаги аёлларни бачадон бўйни саратони ҳамда 40–65 ёшдаги аёлларнинг кўкрак беши саратони скрининги билан қамровини кенгайтириш чораларини кўриш.	2025–2030 йиллар	Халқаро молия ташкилотлари маблағлари	Саратон касаллиги назорати соҳасидаги лойиҳаларнинг

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
					амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи кенгаш
16.	Тиббиёт муассасаларини бачадон бўйни ва кўкрак беги саратони назорати соҳасидаги малакали кадрлар билан таъминлаш.	<p>1. Ягона ридинг марказини радиолог шифокор (4 та штат бирлиги), эпидемиолог (1 та штат бирлиги), маълумот таҳлилчиси (1 та штат бирлиги) ва ахборот технологиялар мутахассислари (2 та штат бирлиги) билан таъминлаш.</p> <p>2. Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг онконазорат хоналарида акушер-гинеколог шифокор штат бирлигини киритиш.</p> <p>3. 2 та навбатда ишни ташкил қилиш учун тиббиёт муассасаларида стационар ва мобил маммографик ускуналар билан жиҳозланганлигига қараб рентген-лаборант штат бирликларини киритиш.</p>	2025 йилдан бошлаб	Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
17.	Ахборотни йиғиш, сақлаш ва таҳлил қилишга оид маълумотларни бошқариш ҳамда Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш дастури амалга оширилишини мониторинг қилишнинг ягона электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	<p>1. Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратони бўйича маълумотларни бошқаришнинг ягона электрон тизимини (скрининг регистрни) ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратони бўйича маълумотларни бошқаришнинг ягона электрон тизимини (канцер-регистрни) ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Саратон профилактикаси марказидаги канцер-регистр бўлимини врач-методист (6 та), эпидемиолог (1 та), маълумот таҳлилчиси (2 та) ва IT мутахассис (3 та) учун штат бирликлари билан таъминлаш.</p> <p>3. Қайта алоқа (мобил иловалар ва бошқалар) тизимини йўлга қўйган ҳолда скрининг-регистр ва канцер-регистрни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш.</p>	2025 йил май	Халқаро молия ташкилотлари маблағлари Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>4. Маълумотларни бошқаришнинг ягона электрон тизимининг мавжуд тиббий ахборот тизимлари, шу жумладан, соғлиқни сақлаш электрон тизими, канцер-регистр ва эмлаш электрон реестри билан интеграциясини таъминлаш.</p> <p>Бунда маълумотларнинг аниқ ва тўлиқлигини таъминлаш учун тизимлар ўртасида ахборотнинг автоматик алмашинувини йўлга қўйиш, шунингдек, узлуксиз техник қўллаб-қувватлаш ва техник муаммоларни оператив бартараф этиш.</p>			
18.	<p>Бачадон бўйни ва кўкрак беzi саратонини назорат қилиш дастурини мониторинг қилиш механизми ва самарадорлигини баҳолаш ҳамда уни яхшилаш бўйича йўналишларни белгилаш.</p>	<p>1. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI), индикаторлар ва қўлланмалар, Бачадон бўйни ва кўкрак беzi саратонини назорат қилиш дастурининг турли жиҳатларини, шу жумладан, аҳолини скрининг билан қамраб олиш, бачадон бўйни ва кўкрак беzi саратонини эрта аниқлаш, диагностика ва даволаш сифати, беморлар яшаб қолиш ва тиббий хизматлардан қониқишини мониторинг қилиш ва баҳолаш учун ички ва ташқи аудит тизимини халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.</p> <p>Бунда мониторинг қилишнинг асосий индикаторлари сифатида қуйидагиларни белгилаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> ОПВга қарши эмлаш билан қамров; бачадон бўйни/кўкрак беzi саратони скринингига таклиф қилиш кўрсаткичи; бачадон бўйни/кўкрак беzi саратони скрининги билан мақсадли гуруҳларни қамраб олиш; бачадон бўйни/кўкрак беzi саратони скринингида қатнашишни рад этган мақсадли гуруҳлардаги аёллар улуши; бачадон бўйни/кўкрак беzi саратони диагностикаси билан қамраб олиш; 	<p>2025 йил январь</p> <p>2025–2030 йиллар давомида (ҳар ойда)</p>	<p>Халқаро молия ташкилотлари маблағлари</p> <p>Республикасининг КОFИH жамғармаси маблағлари (қелишув асосида)</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стратегик ислоҳотлар агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратони скрининги текширувидан диагностикага қадар ўтган вақт;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратони гистология текшируви орқали тасдиқланганлар улуши;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратони гистология натижасига асосан гипердиагностика/сохта ижобий натижалар кўрсаткичи;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратони ташхиси қўйилгандан кейин даволанишни бошлашгача ўтган вақт;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратонидан даволанишни бошлаганлар улуши;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратонидан даволанишни тугатганлар улуши;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратони билан ёш бўйича касалланиш кўрсаткичи;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратони босқичлари кесимида касалланиш кўрсаткичи;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратонидан ёш бўйича ўлим ҳолатлари;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратонида оралик (интервал) саратон даражаси;</p> <p>бачадон бўйни/кўкрак беги саратони касаллигидан кейинги яшаш кўрсаткичи.</p> <p>2. Маълумотларни электрон усулда тўплаш орқали мониторинг қилиб бориш ва дашбордда ахборот тизимига улаш.</p> <p>3. Муаммоли йўналишлар ва ечимларини аниқлаш учун йиғилган маълумотларни доимий таҳлил қилган ҳолда ҳисоботларнинг даврий нашрини таъминлаш.</p> <p>4. Онкология соҳаси, шу жумладан, нодавлат тиббиёт ташкилотлари мутахассисларидан иборат мустақил эксперт гуруҳларини ташкил этиш ва</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>муаммоли йўналишлар ва уларнинг ечимлари бўйича уларнинг эксперт хулосаларини олиш.</p> <p>5. Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш дастурининг аҳоли саломатлигига, жумладан, касалланиш, ўлим ва яшаб қолиш кўрсаткичларига таъсирини даврий баҳолаш.</p> <p>6. Маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун аҳоли ва мақсадли гуруҳдаги аёллар ўртасида сўровнома ўтказиш ҳамда маълумотларни сўровнома натижалари билан таққослаш.</p>			
19.	<p>Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини диагностика қилиш ва даволаш жараёнларига янги технологиялар ва инновацион усулларни жорий қилиш.</p>	<p>1. Саратон билан касалланган аёллар орасида ЖССТ билан ҳамкорликда DEDICA тадқиқотини ўтказиш.</p> <p>2. Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини диагностика қилиш ва даволашда жорий ва истиқболли технологиялар ва усулларни кўриб чиқиш.</p> <p>3. Етакчи халқаро ва миллий тадқиқот институтлари, технология компаниялари ва тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш.</p> <p>4. Тиббиёт ходимларини янги технологиялардан фойдаланиш, диагностика қилиш ва даволаш усуллари бўйича хорижда ўқитишни таъминлаш.</p> <p>Бунда дастурни амалга ошириш учун масъул тиббиёт ходимлари (доя, гинеколог, цитолог, патоморфолог, онколог) ўқишини ташкил этиш.</p> <p>5. Инвестицияларни жалб қилган ҳолда синов ҳудудларда клиник синовларни ўтказиш ва кейинчалик диагностиканинг инновацион технологиялари ва усулларини баҳолаш ва жорий қилиш.</p>	2025–2030 йиллар	<p>Халқаро молия ташкилотлари маблағлари</p> <p>Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари</p>	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Изоҳ: молиялаштириш манбалари ва ажратиладиган маблағлар миқдорига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоб-китобларига мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**Саратон касаллиги назорати соҳасидаги лойиҳаларнинг
амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи кенгаш
ТАРКИБИ**

- | | |
|--|---|
| А.А. Худаяров | – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбарининг биринчи ўринбосари, <i>Кенгаш раиси</i> |
| <i>Лавозими бўйича (келишув асосида)</i> | – Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси |
| <i>Лавозими бўйича (келишув асосида)</i> | – Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси |
| Н.Э. Давлетова | – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарма бошлиғи |
| Э.И. Баситханова | – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари |
| А.Ф. Умарова | – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги масъул ходими |
| Д.Ж. Аниёзова | – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги масъул ходими |
| Н.С. Надирханова | – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази директори |
| М.Н. Тилляшайхов | – Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори |
| Э.И. Мусабоев | – Вирусология илмий-тадқиқот институти директори |

- А.А. Абдукаюмов – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори
- Ш.У. Турдиқулова – Фанлар академияси вице-президенти
- З.Ш. Эрматов – Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси директори
- Лавозими бўйича (келишув асосида)* – Ўзбекистон гинекологлар уюшмаси ва Ўзбекистон онкологлар уюшмаси раҳбарлари, ЖССТ ва ЮНФПА вакиллари
- Лавозими бўйича (келишув асосида)* – хусусий клиникалар вакиллари
- Ф.А. Фазилова – Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи, *Кенгаш котиби*

Изоҳ:

1. *Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

2. *Кенгаш раисига зарур ҳолларда Кенгаш таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилади.*

**Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини эрта аниқлаш ҳамда назоратини амалга ошириш учун зарур тиббий жиҳозлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Муассаса номи	Тиббий асбоб-ускуналар номи			
		Полимераза занжирли реакция ускунаси	Радиотўлқинли жарроҳлик ускунаси	Бинокүляр рақамли микроскоп (видеокамерали)	Стационар маммограф*
1	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали	1	-	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали	1			1
2	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон вилояти филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон вилояти филиали	1			1
3	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти филиали	2	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти филиали	1			1
4	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилояти филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилояти филиали	1			1
5	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали	1			1
6	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Навоий вилояти филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Навоий вилояти филиали	1			1

7	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали	1			1
8	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти филиали	2	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти филиали	1			1
9	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали	1			1
10	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Термиз шаҳри филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилояти филиали	1			1
11	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали	1	2	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали	1			1
12	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали	1			1
13	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиали	1			1
14	Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали	1	1	1	
	Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали	1			1
Жами		30	14	14	14

*Стационар маммографлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ туман (шаҳар) муассасаларига берилади.

